

Энг афзал хислат



21:00 / 31.07.2021 1992

Бугун уламоларимизнинг қалбларга хурсандчилик киритган учрашувларидан бири Олтинсой туманида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон муслмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков иштирок этди. Устоз бошчилигидаги гуруҳ, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд ва бемори бор оилалар ҳолидан хабар олдилар. Уларга “Вақф” фондининг пул маблағлари ҳамда совғаларини топширдилар.

Шунингдек, Ҳомиджон қори Ишматбеков “Ҳаким Термизий” жоме масжидига ҳам ташриф буюриб, масжид аҳли билан пешин намозини адо этдилар. Намоздан сўнг эса эътиқоднинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва тавбанинг фазилатлари хусусида маъруза қилдилар.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

